Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 27 январь
ШАНБА
№ 23 (4.817).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

САРА УРУҒ — ҲОСИЛ БЎЛИҚ

ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Наманган районидаги «Коммунизм» колхозида сўнгги йилларда ғўза селекцияси ва уруғчилигини такомиллаштириш юзасидан самарали ишлар қилинмоқда. Айниқса, деҳқонлар областдаги қатор хўжаликларни пахтанинг юқори ҳосилли, вилтга чидамли С—65-24 нави уруғи билан таъминлаш борасида муайян натижага эришмоқдалар. Бултур 110 тоннадан зиёд энг сара, 1300 тонна биринчи, 2100 тоннадан қўпроқ иккинчи репродукцияли сифатли уруғ етказиб берилди. Лекин ютуқлар қанчалик салмоқли бўлмасин, соҳада ҳали ишнинг янада олға силжишига тўсқинлик қилаётган муаммолар бор. Уруғлик етиштириш ҳамон агросаноат органлари томонидан режалаштирилмоқда. Ўтган йили юқори партия ташкилотлари аралашуви билан 50 гектар майдонга супер элита, 383 гектар ерга элита уруғи экилди. Модомики, колхозда икки-уч хил репродукциядаги чигит қадалаётган экан, у хўжаликларни қандай қилиб юқори ҳосил берадиган уруғлик билан таъминлаши мумкин? Уруғликни заводда тайёрлаш, саралаш ва дорилаш жараёнида сортларнинг аралашиб кетишига йўл қўйилмоқда. Пахта тозалаш саноати ходимлари ва деҳқонлар талабига жавоб бераётган уруғлик тайёрлаш мақсадида кичик завод қурилиши бошланди. Келажакда мазкур корхона яхши самара беришига умид қилинмоқда.

Хўжалик далаларига 1978 йилдан бери пуштага туксизлантирилган чигит экилаяпти. Гектар ҳисобига 40—45 килограмм уруғлик сарфланмоқда. Бироқ навлар тез-тез ўзгармоқда. Экиш сеялкалари эса ҳамон эски технология бўйича ишлатилмоқда. Янги чиққанлари талабга жавоб бермайди. Бундан ташқари таъминот ташкилотлари минерал ўғитларни ўз вақтида етказиб бермаяптилар. Бу муаммолар селекция ва уруғчилик билан шуғулланувчи барча хўжаликларга тааллуқли.

Яқинда бу ерда ғўза селекцияси ва уруғчилиги масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда ана шу муаммолар тилга олинди. Айни пайтда Хитой Халқ Республикаси ва пахта етиштириш билан шуғулланувчи бошқа мамлакатлардаги уруғчиликка доир тажрибалар ҳақида гап борди. Масалан, Хитой Халқ Республикасида пахта навларининг ҳаммаси 40—42 фоиздан тола беради. Навлар тезда «қариб» қолмайди. Бизда эса устун, барқарор уруғларни топиш мушкул. Устига устак уни сарфлашнинг аниқ нормаси йўқ. Баъзи хўжаликларда гектар ҳосилига 100 килограммгача чигит экилмоқда. Бу кўрсаткич Хитой Халқ Республикасида 12, Болгарияда 22 килограммни ташкил этади. Республикамизда бунга эришиш мумкинми? Ҳозирча ҳар йили нормадагидан 180—190 минг тонна кўп уруғлик сарфланмоқда.

Соҳадаги муаммолар фақат шулардангина иборатми? Селекция ва уруғчилик билан шуғулланаётган хўжаликлар, уларнинг ходимлари меҳнати етарли даражада қадрланмаяпти. Бир мисол. Колхозлар ва совхозлар бир килограмм беда уруғи учун давлатдан 10 килограмм, шунча миқдордаги маккажўхори донига 4 килограмм омихта ем олишмоқда. Лекин уруғлик етиштирувчи хўжаликлар бундай имтиёзга эга эмас. Ахир деҳқон йил давомида машақатли меҳнати эвазига юқори сифатли уруғлик етиштиради. Ҳосил пахта тайёрлаш заводларига топширилгач, унинг тақдири билан ҳеч ким қизиқмайди. Уруғликни тайёрлаш ва саралашда пала-партишлик содир бўлади. Кўп ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнида технология талабларининг қўпол равишда бузилиши оқибатида чигитнинг эзилиши ёки синишига йўл қўйилади. Бундай аҳволда сифат ҳақида сўз бўлиши мумкинми? Камчиликларнинг олдини олиш учун ҳам деҳқоннинг, ҳам корхонанинг моддий манфаатдорлигини баб-баробар оширишга эътибор қаратилиши керак.

Семинар-кенгашда ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятига кенг тўхталиб ўтилди. Бултур республикада 20 дан ортиқ районлашган, 4 та истиқболли, қарийб 10 та янги ғўза навлари экилди. Лекин ҳамма жойда ҳам муайян натижаларга эришилаяпти, деб бўлмайди. Баъзи хўжаликларда технология, агротехника талабларига зид равишда районлаштирилмаган уруғларни экишга йўл қўйилмоқда. Тавсия этилган элита уруғлари етиштириш эса қатъий назорат остига олинмаган. Бирлашмада тола сифатини аниқлайдиган техникавий воситалар етишмайди. Устига устак улар эскириб кетган. Илмий лабораторияларда 30-йилларда ишлаб чиқарилган ускуналар билан иш олиб бориляпти. Ачинарлиси шуки, ҳозир бironта корхона ҳам шу йўналиш билан шуғулланмайди. Ҳолбуки, Америка Қўшма Штатларида тайёрланган шундай жиҳозлар комплекси яхши самара бермоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, унинг илмий-тадқиқот институтлари мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланмаяптилар. Селекция ва уруғчилик лабораторияларини янги асбоб-ускуналар билан қуроллантиришга қаратилган ишлар суст олиб борилмоқда. Янгиларини қуриш, уларни зарур жиҳозлар билан ҳамда кичик механизм воситалари билан таъминлаш хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Кейинги олти йил мобайнида элита уруғчилиги хўжаликларида 56 та ўрнига 25 та типовой лабораториялар қурилган, холос.

Элита уруғчилиги хўжаликлари ва лабораториялари юқори иқтидорли кадрларга эҳтиёж сезмоқдалар. Айни пайтда илмий муассасалар мазкур бўлинмаларга малакасиз мутахассислари юборишмоқда. Ишлаб турган кадрларни қайта тайёрлаш курсларининг муддати ғоят қисқа. Бу ҳол уларнинг малакасини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

«Узхлопкопром» ва «Хлопкопром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари пахта тозалаш заводлари моддий-техника базасини ривожлантириш ҳақида қайғурмаяптилар. Оқибатда уруғлик тайёрловчи цехларда санитария талабларига зид ҳолат ҳукм сурмоқда.

Семинар-кенгашда область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари селекция ва уруғчилик ишларини ташкил этишга чуқур ёндашмаётганликлари таъкидланди. Уруғлик тайёрлаш тадбирларини ўтказишда технология интизомига қаттиқ риоя қилиш юзасидан хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан талабчанлик кўрсатилмаяпти.

Анжуман қатнашчилари пахта уруғчилиги ишлари савияси паст эканлигини, бу эса тармоқни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини талаб этилаётган ассортиментдаги тола билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётганлигини эътироф этдилар. Селекция муассасалари давлат синовига тақдим этиладиган янги ғўза навларига объектив баҳо беришлари керак. Ўзининг хусусиятига кўра районлаштирилган навдан орқада бўлган ҳамда тозалиги юз фоиздан кам бўлган чигитларни синовга топширишга йўл қўймасликлари лозим. Давлат нав синаш участкалари ишини қайта қуриш, тажриба ўтказиш учун текис, ҳосилдор ва сув билан яхши таъминланган ерларни ажратиш, бу участкаларни ўз вақтида зарур миқдордаги ўғитлар, химикатлар, маблағ ва ишчи кучлари билан таъминлаш муҳимдир. Агротехника тадбирларини юқори савияда ўтказиш, синаладиган навларни баҳолашда хатога йўл қўймаслик керак.

Янги навларни кўпайтиришда мавжуд мезонга амал қилиш, дала ва лабораторияларда ўтказиладиган текширишларни кучайтириш, янгидан районлаштирилган навларни давлат стандартининг барча талабларига мувофиқ кўрикдан ўтказиш зарур, деган фикр билдирилди. Элита уруғчилиги хўжаликларида етиштириладиган навларни тез-тез алмаштириб туришга ва уларни ноёниқ қайта жойлашувига барҳам бериш керак. Шу муҳим иш билан шуғулланувчи колхозлар ва совхозларда илмий асосланган пахта-беда алмашлаб экишни тўла ўзлаштиришни тугаллаш, уруғлик чигитни юқори ҳосилли, вилтга чалинмаган, сув билан таъминланган майдонларга экиш лозим.

Уруғлик пахтани йиғиб-териб олишда қатъий назорат ўрнатиш, уни албатта хирмонжойларда қуритиш зарур. Давлат стандарти талабларига жавоб бермайдиган уруғлик пахтани топширмаслик керак. Уруғчилик билан шуғулланадиган колхозлар ва совхозларни ихтисослашган пахта заводларига яқинлаштириш лозим. Уруғлик фондини қайта ишлаш ва экиладиган уруғлик тайёрлашда тасдиқланган муддатга қатъий амал қилиш шарт. Экиладиган чигитнинг камида 70 фоизи биринчи ва 30 фоизи иккинчи класс бўлиши муҳимдир.

Ғўза уруғчилиги лабораторияларининг мудирларига уруғлик фондини кузатиш юзасидан давлат назоратчиси ҳуқуқи берилиб, навлар ва экиш кондициясига баҳо беришда аниқ тадбирларни қўлланишда, тоза навли биринчи классли уруғлар етиштиришда уларнинг масъулияти оширилиши керак. Моддий ва маънавий рағбарлантириш тадбирлари кўрилаётганда уларнинг меҳнатини албатта ҳисобга олиш лозим.

Семинар-кенгашда ғўза селекцияси ва уруғчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим тавсиялар ишлаб чиқилди, - соҳадаги ишлар кўламини кенгайтириш юзасидан қарор лойиҳаси қабул қилинди.

И. ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Наманган ҳақиқати»нинг мухбири — махсусан «Қишлоқ ҳақиқати» учун.

— Деразанинг ортида қиш аёзи юз очгани қўймаса-ю иссиққина уйда оловранг помидор, кўм-кўк бодринг тамадди қила туриб, раҳмат айтишса, шу бизнинг бахтимиз, — дейди Хуррам Абдурасулов ишчиларга.

Сирдарё область Ильич районидаги «Правда» газетаси номли совхоз теплица хўжалиги ишчилари ўтган йили мўл ҳосил етиштирдилар. Эл дастурхонига мазали неъматлар тортиқ этаётган миришкорлар меҳнатига бенихтиёр қуллиқ қилгинг келади.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригадир Хуррам Абдурасулов бодринг ҳосилини кўздан кечирмоқда. 2 Ниҳолларни расад қилиш пайти.

О. ҚУЗИЕВ олган суратлар.

ЎҚУВ ЯКУНЛАНДИ

Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон касаба союзлари республика ва область Советлари секретарлари, касаба союзлари республика ва область тармоқ комитетлари раисларининг курс ўқуви якунланди.

Социализм қурилиши ленинча концепцияси назарий жиҳатларини, қайта қуришни чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган янги қоидалар ва ҳулосаларни ўрганиш, КПСС XXVII съезди, XIX бутуниттифоқ партия конференцияси, СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди, ВЦСПСнинг олтинчи пленуми қарорлари асосида туб сиёсий ва иқтисодий ислоҳотнинг долзарб масалалари тингловчиларнинг диққат марказида бўлди.

Касаба союзларининг жамият ҳаёти барча жиҳатларини қайта қуришдаги ўрни ва роли масалалари, КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати масалалари батафсил кўриб чиқилди. Меҳнат интизомининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш йўллари, хўжасизлик ва бошқа салбий ҳодисаларни бартараф этиш, касаба союзлари аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш йўллари, кадрларни ғоявий-сиёсий ва маънавий тарбиялашнинг долзарб масалалари, бу ишда бошланғич касаба союз ташкилотларининг мавқеи ва масъулиятини ошириш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш, меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини яхшилаш, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида ишчи назоратини кучайтириш масалалари таҳлил қилинди.

«Давра столи» атрофидаги учрашувлар ва суҳбатларда қайта қуриш шароитида партия, Совет, касаба союз ва хўжалик органлари алоқаларини кучайтиришнинг, Олий совет ва маҳаллий Советлар халқ депутатлари сайлови кампаниясига тайёргарлик ва уни ўтказишнинг долзарб масалалари, КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь пленумида ишлаб чиқилган КПССнинг ҳаракат дастури негизида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш муаммолари, касаба союзларининг ҳуқуқий негизларини яхшилаш, қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш, региондаги экология вазиятини соғломлаштириш вазифалари ҳар жиҳатдан муҳокама қилинди.

Гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтказилган суҳбатларда М. С. Горбачевнинг «Социалистик ғоя ва инқилобий қайта қуриш» мақоласида баён этилган сиёсий хулосалар ва назарий қоидалар, касаба союзлари фаолиятини такомиллаштиришнинг амалий масалалари муҳокама қилинди. Касаба союз ишини қайта қуриш, меҳнат коллективларида қулай ижтимоий-руҳий муҳитни вужудга келтириш хусусида таҳриба бахам кўрилди.

Сайёр амалий машғулотларда тингловчилар Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, 3-автокомбинат, касаба союз ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети ходимлари касаба союзи республика комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети, шунингдек область бинокорлари касаба союзи комитети иш тажрибаси билан батафсил танишдилар. Республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида тингловчилар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдаги чиқитсиз технология тажрибаси билан танишдилар.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. А. Алимова, Тожикистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. Солиҳов, Туркманистон касаба союзлари республика Советининг раиси А. А. Аннамуҳамедов, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раиси Б. Ф. Сатин, ВЦСПС ташкилий бўлимининг мудири ва президиуми аъзоси В. Т. Иванов, ВЦСПС илмий маркази бўлимининг мудири, фалсафа фанлари доктори профессор Г. П. Алексеев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, республикадаги айрим министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Тошкент олий партия мактаби, Тошкентдаги бошқа бир қанча олий ўқув юртларининг етакчи профессор ўқитувчилари сўзга чиқдилар.

Армия хизматига тайёрланайлик

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш бўлди. Унда Ўзбекистонлик жангчиларнинг армияда хизмат қилиш, ёшларни ана шу хизматга тайёрлаш масалалари қараб чиқилди. Кенгашда область партия комитетлари давлатҳуқуқ бўлимларининг мудирлари, область ҳарбий комиссариатларининг бошлиқлари, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгаши, Ўзбекистон ССР Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш министрликларининг вакиллари қатнашдилар.

Нутқларда Совет Армияси сафларида хизмат қилиш гражданлик фахрли бурчи эканлиги таъкидланди. Ҳозир Ўзбекистондан чақирилган ёшлар турли ҳарбий округлар, шу жумладан Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қисмларида хизмат қилишмоқда. Қисмларда жангговар ва сиёсий тайёргарликни ошириш учун ҳамма шароитлар яратилган. Область делегацияларининг ўзбекистонлик жангчилар ҳузурига ташриф буюриши яхши анъанага айланди. Армияга чақирилган ёшларнинг ота-оналари ҳам бўлган делегацияларнинг аъзолари қисмларда турли миллатга мансуб жангчиларга муносабатда ҳеч қандай фарқ йўқлигини ўз кўзлари билан кўриб, бунга ишонмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Совет ҳокимияти органлари республикамиздан чақирилган ёшларнинг хизмат шароитларини назорат қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасида катта иш олиб бормоқдалар.

Кенгашда қуролли кучларда хизматга тайёргарлик кўриш—ёшлар билан сиёсий-тарбиявий, жисмоний, соғломлаштириш ишларининг муҳим таркибий қисми эканлиги уқдирилди. Ўтган йилги армия хизматига чақирув бу ишда ҳали анча камчиликлар борлигини кўрсатди. Хизматга чақирилганларнинг гарчи қарийб 80 фоизи ҳарбий қисмларга юборилган бўлса-да, соғлиғи, бошқа сабаблар туфайли армиядан кетиб қолиш ҳоллари ҳам бўлди. Ўқув юртларида, турар жойларда армияга чақириладиган ёшлар ва чақирилганларни тайёрлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш зарур. ДОСААФ ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлар олдида катта вазифалар турибди. Ҳозир республикада оммавий мудофаа ишлари ойлиги бўлмоқда. Бу ойлик ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, жисмоний тарбия ҳаракатини ривожлантиришнинг таъсирчан воситасига айланиши керак.

Бу йил мамлакатимиз Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллигини нишонлайди. Ушбу тарихий воқеага тайёргарлик кўришда ветеранлар ҳам, ёшлар ҳам қатнашишлари керак. Ўтказилаётган тадбирлар байналмилал руҳда, ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг яхши мактаби бўлади.

Кенгаш қатнашчилари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, армия билан халқнинг узвий алоқасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча аниқ-равшан таклифлар киритишди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Ҳамкорлик йўллари

25 январь куни Тошкентда Ўзбекистон жамоатчилигининг ҳинд халқининг миллий байрами — Ҳиндистон республика деб эълон қилинган кунининг 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Сўзга чиққан кишилар Ҳиндистон ўзининг мустақиллик йилларида катта муваффақиятларга эришганлигини ва ҳозирги кунда Осиё минтақасидагина эмас, бутун дунёда ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушда муҳим роль ўйнаётгани ҳақида гапирдилар. Совет Иттифоқида буюк ҳинд халқига нисбатан алоҳида хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиб, унинг муваффақиятларидан чин дилдан қувонаётганликлари таъкидланди.

Совет — Ҳиндистон дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлими Ҳиндистон республикаси билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон иқтисодий ва савдо алоқаларини ўзаро манфаатли негизда ривожлантирмоқда, республикамизда қўшма Совет-Ҳиндистон корхоналари очилган. Фан ва маданият соҳаларидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда дўст мамлакатдан келган юзлаб студентлар, стажерлар ва аспирантлар Ўзбекистон олий мактабларида таҳсил кўришмоқда. Маданият арбоблари самарали ҳамкорлик қилиб, биргаликда халқ ижодиёти, замонавий санъат фестивалларини ўтказмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ҳиндистон республикасининг Тошкентдаги бош консулхонаси вакиллари иштирок этишди.

(ЎзТАГ).

ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОРЛАР

УСТОЗДАН ЎЗГАН ШОГИРД

«Эрта эккан эрта ўради», «Баҳорнинг бир куни кузнинг ўн кунига татийди»... Отасининг бу ўгитлари Собир Исмоиловнинг қалбига болалигиданоқ муҳрланиб қолган. Шу боис Боғот районидаги Ленин номли колхозининг у бошлиқ бригадасида ҳар йилгидек бултур ҳам чигит экишга барвақт ҳозирлик кўрилди. Барака уруғи қадаш биринчилар қаторида тугатилди. Апрель ойининг охирида эса жами майдоннинг тенг ярмида яшил қаторлар пайдо бўлди.

Қуёшга кун сайин бўй чўзаётган ниҳолларни кўрганда қайси деҳқон қувончга тўлмайди дейсиз?! Собир ҳам ўша кезларда айни шундай ҳолат оғушида эди. Эрта-индин дастлабки ишловга зўр берилади.

У шу хаёллар билан уйга қандай қилиб етиб келганини билмай қолди. Кун бўйи дала айланган эмасми, вужудида чарчоқ сезди. Лекин негадир яхши ухлай олмади. Тонг қоронғисида ташқарига чиқди-ю, баҳорнинг ёқимли эпкинини эмас, кузак шамолининг изғиринини туйди. Салқиндан эти увишди. Кўз ўнгидан беихтиёр дала, ундаги ниҳоллар ўтди. Ғўзанинг аҳволи нима кечдийкин?

Бригадир апил-тапил кийинди-да, пайкаллар томон шошилди. У икки-уч пудратчи отизини кўздан кечириб, Собир ака Сафоевга қарашли майдонга келганда уфқ оқара бошлаган эди. Карта ичида кимнидир қораси кўринди. «Ие, адашимку!».

— Меҳнатимиз елга совурилганга ўхшайди, Собир ака, — деди у салом-аликни ҳам унутиб хавотирли оҳангда.

Собир Сафоев индамади. Тўғрироғи, шу лаҳзада томоғига келиб тўхтаган алланима бунга имкон бермади. Лекин қўлидаги яп-роқлари қорайиб, шалпайиб қолган ниҳол рўй берган ноҳушликни яққол ифодалаб турарди.

Ўша куни хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари зудлик билан барча далани кўздан кечириб чиқишди. Аҳвол, бригадир ўйлаганидек, унчалик ташвишли эмас экан. Кўпчилик якдил қарорга келишди: қайта чигит экмаймиз, қўшимча ишлов бериш орқали сийраклашган қаторлар ўрнини тўлдирамиз.

Ҳақиқатан парваришга зўр берилгани туфайли, совуқ тушган паллада тупроқ остидан чиқиб улгурмаган ниҳоллар ҳисобига тўла гектарлар ҳосил қилинди. Яганалаш сифатли ўтказилди. Қатор ораларига оби-тобида сув таралди. Пайкалларни бегона ўт босишига йўл қўйилмади. Натижада жами майдонда нафақат режани, балки мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланди. Уни йиғиштириб олишга уюшқоқлик билан киришилди. Якунда давлатга 109 гектар ердан 350 тонна ўрнига 407 тонна юқори нав пахта сотилди. Омина Ўринова, Муборак Шерматова, Шарифа Рўзматова сингари оилавий звеноларда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 45—48 центнерни ташкил этди.

Деҳқон бултургидек табиат инжиқликларига илк марта дуч келгани йўқ. Ҳар йилнинг ўзига хос хусусияти бор. Лекин тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурган жойда албатта ютуқ қўлга киритилади. Буни Собир Исмоилов ўзининг кўп йиллик фаолиятида амалда синаб кўрди.

...1982 йилнинг май ойи эди. Бригадага узоқ йиллар мобайнида раҳбарлик қилган Жуманиёз Ортиқов иззат-икром билан пенсияга кузатилди. Унинг ўрнига кимни тайинлаш масаласида колхоз раҳбарларининг ҳам, коллектив аъзоларининг ҳам фикри бир жойдан чиқди: Собир Исмоилов номзоди маъқулланди. Негаки, у уч йилдирки, табелчи бўлиб ишлар, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, одамохунлиги билан меҳнат аҳли ўртасида обрў-эътибор қозонганди.

Дастлабки йили натижа ёмон бўлмади. 110 гектар ерда деҳқончилик қилган пахтакорлар маррага колхозда биринчилар қаторида етдилар. Қабул пунктига кўзда тутилганидан анча кўп миқдорда оқ олтин топширилди.

1988 йилда заршунослар айниқса катта зафарни қўлга киритдилар. Мавжуд 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан белгиланганидан 10 центнер кўп пахта тайёрланди. Ватан хирмонига 343 тонна ўрнига 454,5 тонна хом ашё жўнатилди. План 135,7 фоиз уддаланди. Бунинг эвазига 327 минг сўм даромад олинди.

— Бултур биз гектарлар ҳосилдорлигини янада оширишимиз мумкин эди, — дейди бригада саркори Собир Исмоилов.— Аммо июль ойида, айни ғўза ҳосилига ҳосил қўшиладиган паллада зарарли ҳашарот кўпайиб, хом ашёнинг бир қисмини нобуд қилди. Бу ҳол алмашлаб экишни юз фоиз жорий этишни яна бир карра исботлади.

Х. ЖАББОРОВ,
Х. ҚУРБОНОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзолари.

АГРОСАНОАТ: янгиланиш қирралари

МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ, ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ИШЛАШ

Иқтисодиётни қайта қуришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш масаласи қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар бўлишига олиб келмоқда, унинг ташкилий шакллари янгича тус олмоқда. Айниқса, фан-техника тараққиёти таъсирида тармоқ ишлаб чиқариши тезкорлик билан ривожланиб, унда маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган барча жараён бир бутун технологик механизм бўлиб майдонга чиқмоқда.

Яқин вақтларгача ижтимоий ишлаб чиқаришнинг илғор шакллари: ихтисослаштириш, концентрациялаш, кооперациялаш, комбинациялаш саноатгагина дахлдор эди. Эндиликда мазкур шакллар фан-техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Социалистик қишлоқ хўжалиги корхоналари бўлган колхоз ва совхозларнинг ўз тупроқ-иқлим ҳамда иқтисодий имкониятларига кўра аниқ (бош, ёрдамчи ва қўшимча) турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга чуқур, барқарор ихтисослашиши (ихтисослашиш йўли билан), маҳсулот ишлаб чиқариш доирасининг кенгайиши (концентрациялаш туфайли), қўшни хўжалик ва ташкилотлар билан ҳар томонлама ишлаб чиқариш-технологик алоқаларнинг ўрнатилиши (кооперациялаш орқали), ички имкониятларни ишга солган ҳолда ихтисослашган соҳага қўшимча бир ёки бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқариши (комбинациялаш йўли билан) уни юргизишнинг илғор усуллари сифатида намоён бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг саноатга хос ишлаб чиқариш ва уни ташкил этишнинг илғор шаклларига эга бўлиши, шу асосда маҳсулот етиштиришнинг саноат негизига кўчирилиши шубҳасиз унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши ҳамда корхоналарнинг концентрациялашуви билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Масалага шу тариқа қарайдиган бўлсак, сўнгги йилларда жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланганлигини кўрамиз. 1987 йилда колхозларда экин экишга яроқли ер ўртача 3,3 минг гектарни ташкил этгани ҳолда уларда 1965 йилга нисбатан ҳайдов тракторларининг сони 58 тадан 85 тага, пахта териш машиналари 14 тадан 18 тага, юк автомобиллари 17 тадан 23 тага, бўлинмас фондлари пул миқдори 1,9 миллион сўмдан 5,2 миллион сўмга, ялпи даромад 1,3 миллион сўмдан 2,8 миллион сўмга, қорамоллар 792 бошдан 831 бошга, шу жумладан соғин сигирлар 214 бошдан 254 бошга кўпайди.

Шу йиллар мобайнида совхозларнинг ишлаб чиқариши ҳам юксалди, уларнинг сони ортди, маҳсулот етиштиришдаги ҳиссаси салмоқли бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, маҳсулот етиштиришга кўра ихтисослашишнинг чуқурлашуви ва барқарор бўлиши тармоқни саноат ишлаб чиқаришига бирмунча яқинлаштирди. Дала неъматларини саноат усулида бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш, савдо-сотиқ ва бошқа хил хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан алоқани ўрнатиш учун объектив шароит вужудга келди.

Қишлоқ хўжалигида концентрациялашув ва ихтисослашишнинг чуқурлашуви натижасида маҳсулотларни узлуксиз (поток) усулда ишлаб чиқаришга ўтилди. Қишлоқ хўжалиги корхонаси билан саноат корхонаси, саноат корхонаси билан қишлоқ хўжалиги корхонаси ўртасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мазкур усулига таянилган технологик жараён таркиб топди.

Қишлоқ хўжалигида ихтисослашиш ва концентрациялаш тармоқ ишлаб чиқариши билан саноат ишлаб чиқаришининг ҳар томонлама иқтисодий ва технологик алоқаларининг вужудга келишига олиб келиб, етиштирилган маҳсулотни саноат усулида узлуксиз қайта ишлаш жараёнини барқарорлаштирди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари билан унинг маҳсулотини қайта ишлайдиган саноат корхоналарининг технологик алоқаси агросаноат интеграциясининг турли шакллари тарзида намоён бўлди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш учун тайёр ҳолатга келтириш, омборхона ва музхоналарда сақлаш, саноат ишлаб чиқаришининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи, иккиламчи қайта ишлайдиган соҳалари, саноат усулида қайта ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш, истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган ташкилот ва муассасалар базасида жумҳуриятда агросаноат комплекси (АСК) таркиб топдики, у ривожланишнинг дастлабки босқичини босиб ўтди. Жумҳурият агросаноат комплекси, айниқса унинг асосини ташкил қиладиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сўнгги 20—25 йил ичида асосан экстенсив йўлдан ривожланди: янги ерлар очишга, янги сув омборлари қуришга зўр берилди, пахта яккаҳокимлиги қарор топди. Уни ривожлантиришнинг ташкилий шакллари эса нуқул ўзгаришларни бошидан кечирди.

КПСС Марказий Комитетининг май (1985 йил) пленуми қарорлари асосида жумҳурият, вилоят ва ноҳияларда агросаноат интеграциясининг турли шакллари: агросаноат давлат комитети, агросаноат комитетлари ва бирлашмалари (РАСБ) ташкил қилинди.

Иқтисодиётни қайта қуришнинг изчил бўлмаган тадбирлари агросаноат комплексининг ташкилий шакларини ҳам четлаб ўтмаяпти. Эндиликда жумҳурият агросаноат комплексида комитет ўрнига уюшма, бирлашма ўрнига фирма ёки комбинат тузилмоқда ва ҳоказо.

АСКнинг ташкилий шакллари қанчалик ўзгариб турмасин, барибир, социалистик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши агросаноат интеграцияси (АСИ) негизида ривожланади. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, амалиётнинг ўзи АСКнинг янги-янги такомиллашган шаклларини келтириб чиқаради. Ижтимоий тараққиётнинг бундан кейинги босқичида унинг ходимлари ўзлари етиштирган маҳсулотнинг пировард натижасидан тўла манфаатдор эканликларини ҳис этишади, зарурат туғилса ҳатто талаб ҳам қилишади. Шунинг учун тармоқда банд бўлган аҳоли маҳсулот етиштиришда қанчалик самарадорликка эришса, уни истеъмолчига тайёрлашгача бўлган жараёнга ҳам шунчалик қизиқади. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигида етиштирилган бирламчи маҳсулотни тайёрлаш, омбор ёки музхоналарда сақлаш, қайта ишлаш, нарх белгилаш, тақсимлаш жараёни ишлаб чиқаришга дахлдор саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларининг биргаликда манфаатдорликларини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда хўжалик юритиш механизмининг бугунги ҳолати агросаноат комплекси ходимлари олдига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш вазифасини қўяр экан, бунда сўнгги натижадан манфаатдорликка алоҳида эътибор берилмоқда.

Маҳсулот етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва уни истеъмолчига етказиш бутун бир технологик жараён бўлиб, унинг барча элементлари унумли соҳалар ҳамда қишлоқ хўжалиги, ва саноат ходимлари манфаатлари бирлигининг гаровидир.

Жумҳуриятда агросаноат комплексининг истиқболларини назарда тутиб, колхоз (совхоз) — тайёрлов пункти — сақлаш жойи (омборхона ёки музхона) — завод (комбинат, фабрика, цех) — савдо ташкилоти ўртасидаги технологик алоқанинг мавжудлигини қайд этган ҳолда иқтисодиётнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтилаётганлиги муносабати билан дахлдор ташкилотлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишлаб чиқаришни мақбул ривожлантириш мақсадида айрим ҳуқуқларни бермоғи лозим.

Назаримизда, тўла хўжалик ҳисобига ўтишда қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг чекланмаган ҳуқуқларига эга бўлиши керак. Яъни:

— қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барчаси тамоман иқтисодий мустақилликка эришишлари, ўз ҳудудининг тупроқ-иқлим ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб халқ хўжалиги режаларини белгилашлари;

— етиштирилган (етиштириладиган) маҳсулот ҳажмига кўра уни тайёрлайдиган пункт, шунингдек, омборхона ва музхоналарни қуришни режалаштиришлари;

— маҳсулотни қайта (бирламчи ва иккиламчи) ишлайдиган саноат корхоналари билан бевосита ишлаб чиқариш ҳамда технологик алоқани ўрнатишлари;

— етиштирилган (етиштириладиган) бирламчи ва саноат усулида қайта ишланган иккиламчи маҳсулотни ўзи харид қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари;

ўз ҳудудида маҳсулот етиштириш ҳажмига кўра уни қайта ишлайдиган саноат корхоналари қуриш, унда ишлаб чиқарилган иккиламчи маҳсулотни харид қилиш ҳуқуқини ўзида сақлашлари керак.

Агросаноат комплексини ривожлантириш барча тадбирларининг амалга оширилиши жумҳурият иқтисодиётининг тўла хўжалик ҳисобига ўтиши билан узвий боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини агросаноат интеграцияси негизида ривожлантиришни чуқурлаштиради, дала неъматларини етиштириш, уни бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш, харид қилиш жараёнини юқори поғонага кўтаради, бинобарин, келажакда агросаноат комплексида иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Шундай қилиб, маҳсулот етиштириш—тайёрлаш— сақлаш—бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш—истеъмол қилиш ягона механизм сифатида вужудга келади.

А. РЎЗИЕВ,
Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институти география кафедрасининг мудири, география фанлари доктори, профессор.

Ҳ. ШОСАИДОВ,
шу кафедра ўқитувчиси.

САНОАТНИНГ ҚИШЛОҚДАГИ ОДИМЛАРИ

«ШОВОТДА ТАЙЁРЛАНГАН»

1989 йил ёз кунларининг бирида «Коммунизм» колхози правлениеси раиси Э. Йўлдошев билан турунглашиб қолдик. Суҳбат мавзуи айланиб келиб яқингинада Фарғонада бўлиб ўтган воқеалар, уларнинг илдизларига тақалди. «Ишлар беиш қолишаяпти, — деган эди раис хомуш қиёфада.— Бекорчи одам бўлмаган қишлоқларни ўйлаб чиқаради, йўқ жойдаги ғавғоларни топади. Қишлоғимизда ҳам минг нафарга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмайди. Бундайларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Биз уларни иш билан таъминлаш мақсадида колхозимизда Орёл шаҳридаги «Радуга» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиалини ташкил қилишга киришдик. Шунинг ҳисобига 750 нафар йигит-қиз учун иш ўринларини вужудга келтириш ниятидамиз.

Колхоз правлениесининг бу ташаббусини район партия ва совет ташкилотлари қўллаб-қувватладилар. Июнь ойида колхозга «Радуга» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. А. Скалаух ўзининг иқтисодий алоқалар бўйича ўринбосари А. А. Баранова билан биргаликда ташриф буюрди. Юртимизга эзгу мақсадлар билан қадам ранжида қилган меҳмонларни район партия комитетининг биринчи секретари А. Қаландаров қабул қилди. Райком саркотиби районда олиб борилаётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий муаммолар хусусида сўзлаб берди. Суҳбат чоғида у районда тикувчилик фабрикасининг барпо этилиши кишиларни иш билан таъминлашда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Владимир Алексеевич Скалаух ва Анна Алексеевна Баранова фабрика жойлашадиган бинони кўздан кечиришди. Янги ташкил этиладиган корхонага ажратилган мактабнинг эски биносини мослаштириш учун кўп иш қилиш керак эди. Ишчи кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам зудлик билан келишиб олинди. Ўттиз нафар ёш қиз Тўхтажон Кенжаева раҳбарлигида касб ўрганиш мақсадида Орёл шаҳрига йўл олди.

Бор-йўғи тўрт ой ичида йўқ жойда корхона пайдо бўлди ва ишга туширилди. Райондаги қурилиш ташкилотлари ҳамда бирлашма дирекциясининг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилганлари катта аҳамият касб этди. «Агрокоммунремстрой» қурилиш ташкилоти бунёдкорлари жадал ишлаб, қисқа вақт ичида эски мактабнинг синфхоналарини кенгайтирдилар ва созладилар. Бинонинг бир қисми тайёр бўлгач, замонавий тикув дастгоҳларини ўрнатишга киришилди. Бу юмушларни адо этишда бирлашма бош корхонасидан юборилган ишчи ва мутахассислар катта ёрдам беришди. Технолог Т. Л. Бибисарова, бичиш ишлари инструктори Н. С. Перелигина, механик М. И. Бобонков цехларни пухта жиҳозлабгина қолмасдан шовотлик ёшларга касб сирларини эримай ўргатдилар. Эндиликда улар мураббийлари раҳнамолигида чеварликни эгаллаган кунларини ҳаётларидаги энг қувончли дақиқалар сифатида эслашади. Ҳамма нарса тахт этилгач, бош директор Шовотга яна келди. У бирлашмадан юборилган мутахассисларнинг ўзбек ёшлари билан опа-сингил, ака-ука тутиниб, уларнинг севимли устозларига айланишганини кўриб хурсанд бўлди.

Фабрикада дастлаб иккита цех ишлай бошлади. Уларнинг бирида болалар шимини тикиш йўлга қўйилди. Чеварлар қўлидан чиққан «банан» типидаги бундай пишиқ-пухта кийимларнинг дастлабки турқуми савдо шохобчаларига юборилди. Бошқа цехда эса хотин-қизлар кийими тайёрланмоқда.

— РСФСР Енгил саноат министрлигининг буйруғи чиққан, — дейди корхона директори Бахтиёр Душамов. — Унга асосан саноатнинг колхоздаги тармоғи «Орёл «Радуга» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Шовот тикувчилик фабрикаси», деб номланадиган бўлди. Ҳозиргача 150 кишини иш билан таъминладик. Уларнинг 80 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Директор ҳузурига иш сўраб келаётганларнинг кети узилмайди. Ҳозир қурилиш ишлари бораётган қўшимча бино фойдаланишга топширилса, яна 200 кишини ишга жойлаштириш, эркак ва аёлларнинг устки кийимларини тикиш имконияти яратилади. Фабрика комсомол комитети секретари Дилоромхон Еқубованинг фикрича, корхонанинг ишга туширилиши ёшлар учун беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Розияжон Юсупова эса шаҳарлик тенгдошларига ўхшаб саноат корхонасида меҳнат қилаётганидан боши осмонда. Ишнинг икки сменада ташкил этилганлиги ходимларнинг бўш вақтларини кўпайтиради. Бундан ёшлар мамнун бўлмоқдалар.

Директордан фабриканинг келажаги тўғрисида сўраганимизда қувончини яшира олмайди:

— Келгусида бу ерда тикувчилар шаҳарчаси қад кўтаради, — дейди у. — Ишчилар учун турар жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, соғломлаштириш иншоотлари қурилади. Бир сўз билан айтганда, халқимизга «Шовотда тайёрланган» деган ёзувли ёрлиқлари бўлган кийимларни етказиб бериш тобора кўпаяди.

Қ. БОҚИЕВ.

Сайловдан сайловгача

МУАММО ЕЧИМИН ИЗЛАБ

Халқ депутатлари Оҳангарон район Совети ижроия комитети хайрли ишга қўл урди. Мавжуд саккиз қишлоқ Советидаги ҳақиқий аҳвол ўрганиб чиқилди. Бу ишга райижроком бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, ҳар бир маҳалла ва қишлоқ Советлари фаоллари жалб этилдилар. Жойларда аҳоли билан ўтказилган мулоқотлардан сўнг ҳақиқий аҳволни таҳлил қилиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш юзасидан аҳоли фаоллари билан биргаликда йиғилишлар ўтказилди.

Ҳар бир қишлоқда шу йиғилишлар асосида камчиликларни туғатиш учун аниқ муддатлар кўрсатилиб, тадбирлар тузиб чиқилди. Белгиланган режаларнинг бир қисми бажарила бошланди. Келгусида район Совети сессиялари ва ижроия комитет мажлисларида бу масалалар доимий диққат марказида бўлади.

Ҳозирданоқ шундай хулоса чиқариш мумкин: қишлоқларда социал-иқтисодий муаммолар ҳаддан ташқари кўп. Ҳали маҳаллий Советлар, ташкилотлар ва хўжаликлар ўзларидан ортиб қишлоқларнинг ободончилиги учун айтарли иш қила олмаяптилар. Кўпгина жойларда раҳбарлар камчиликларни бартараф этиш ўрнига ўз фаолиятларини оқлаш учун баҳона қидирмоқдалар. Албатта, уларга ҳам осон бўлаётгани йўқ, хўжалик механизмлари ўзгармоқда. Иқтисодий соҳада янгиликлар жорий этилаяпти, оила, ижара пудрати қўлланилаяпти. Хуллас, иш кўп. Лекин ана шу ишлар охир-оқибатда кишиларнинг тўқ ва фаровон яшашлари учун хизмат қилиши керак.

— Бир вақтлар радиода «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» деган қўшиқ ҳар куни айтилар эди, — дея сўз бошлади В. В. Куйбишев номли совхоз клубида Ленинчи қишлоқ Совети аҳли билан ўтказилган учрашувда район ижроия комитети ҳузуридаги шахсий уй-жойлар ва кооператив қурилиш бўлими бошлиғи М. Муҳамедов. — Ашуладаги сўзлар ҳаётдан узоқ эди. Гапнинг индаллоси шуки, қишлоқларимизда аҳвол ўта хароб. Убайд қишлоғида бунга яна бир карра амин бўлдик. Кўчалар лой, ифлос. Сув таъминоти ёмон. Тўртовулликлар сувни ҳамон узоқдан ташиб ичишар экан. Магазин ситамиз? Пилланинг ҳар килосига 3 сўмдан пул тўлансая-я!

Ҳа, пилланинг меҳнати қанчалик оғирлигини ҳар бир қишлоқ кишиси жуда яхши билади. Бу — бир ой уйқусизлик, бир ой туну кун бутун оила билан машаққат тортиш демакдир.

— Узаровулга машинада аранг етиб бордик, — дейди куюниб район касалхонаси бош врачи Т. Қаюмов. —Мана бугунги йиғилишга ҳам қишлоқдан биронта одам келмабди. Чунки қайтиб кетишнинг ўзи азоб. Йўллар лой, автобус юрмайди. Магазин, боғча, қироатхона... ва, хуллас энг оддий масканлар ҳам йўқ. Қишлоқ аҳли қудуқлардан сув ичар экан. Унинг таркибини текшириб кўриш керак.

— Ҳатто марказдаги Эйвалек посёлкасида ҳам нуқсонлар жуда кўп, — дея сўз олди район санитария-эпидемиология станцияси бош врачи С. Орифжонов. — Боғчалар ремонти ҳалиям тугалланмаган. Магазинлар совуқ. Комбинат ётоқхонаси ўз холига ташлаб қўйилган. Қизил бурчаклар, телевизор йўқ. Бу ерда яшовчи оилали кишилар учун ҳатто энг оддий шарт-шароит яратилмаган. Бундай ҳолат эса тарбиявий ишларни ўз-ўзидан оғирлаштиради, одамлар бекорчиликдан ножўя ишларга қўл урадилар, ичкиликбозлик қиладилар. 10-мактабда биронта ҳам водопровод крани ишламас экан, идиш ювадиган хоналар ночор аҳволда. Эътиборсизлик туфайли қишлоқларда сариқ касаллиги кўпайиб бормоқда. «Октябрь» станцияси қишлоғи йўли ҳамон муаммо бўлиб турибди. Кўчалар ифлос, ҳаммом ишламайди.

— Узарда медицина пункти ниҳоятда тор, — дейди район халқ таълими бўлими инспектори А. Нишонов. — Бунинг устига хоналар совуқ. Доридармон етишмайди. Магазин бир ойдан бери ишламайди. Мактаб қурилишини одамлар ўн беш йилдан бери кутадилар. Қишлоққа электр ўтказилганига ўттиз беш йил бўлибди. Линиялар эскириб кетган. Тез-тез ток ўчиб туради. Бу соҳада қуруқ гап эмас, амалий иш қилиш керак...

Район ижроия комитети котиби А. Абдулҳаков Ленинчи қишлоғидаги кўпгина нуқсонлар тўғрисида гапириб, муҳим бир муаммони ўртага ташлади. Қишлоқларда аёллар ишсиз. Уларнинг кўпчилиги бичиш-тикишни билади. Олмалиқ аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати бу ерда ателлар очиб, аёлларни ишга жалб этиш ҳаракатида юрибди. Нега энди районимиздаги шундай ташкилот бу иш билан шуғулланмайди?

Хуллас, қишлоқ Совети ҳудудидаги Янгибино, Нўғайқўрғон, Мунчоқтепа, Қиргизовул ва бошқа аҳоли пунктларида ҳам аҳвол юқоридагилардан фарқ қилмайди. Улар ҳақида маҳалла комитетлари раислари, район ижроия комитети вакиллари гапирдилар.

Одамлар район газлаштириш идораси бошлиғининг ўринбосари Н. Пакдан аниқ жавоб кутган эдилар. Унинг изоҳлари кўпчиликнинг аччиқ киноясига сабаб бўлди.

В. В. Куйбишев номли совхоз директори Э. Пўлатов бу ерда кўтарилган ва хўжаликка тегишли бўлган муаммоларга батафсил жавоб беришга ҳаракат қилди. Унинг қишлоқларга табиий газ ўтказиш тўғрисидаги фикрлари айниқса эътиборга лойиқ. Лекин директорнинг шахсий хўжаликларни ривожлантириш, аҳолига томорқа жойи ажратиб бериш тўғрисидаги фикри бир томонламадир. Унинг гапига кўра, ер участкаси учун фақат 8 сотихдан ер берилмоқда. Томорқа учун алоҳида ер берилмайди. Хоҳлаган киши совхоз билан шартнома тузиб истаганча ер олиши мумкин. Лекин очиғини айтганда, ҳамма ҳам ижарачи бўлавермайди, ҳаммада ҳам бундай имконият йўқ. Масалан, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа касб эгалари шулар жумласидандир. Улар ҳам ўз томорқа участкасига эга бўлишни хоҳлайдилар. Хуллас, ижарачилик билан шахсий хўжаликларни ривожлантириш тўғрисидаги масалани бир-бирига аралаштириб юбормаслик керак. Бу борада совхоз меҳнат коллективи кенгаши, касаба уюшмаси, қишлоқ Совети ижроия комитетлари ишчилар манфаатини ҳимоя қилиб, қатъий бир фикрга келишлари керак.

Йиғилишда кўп киши сўзга чиқди. Танқидлар ошкора бўлди, нуқсонлар шартта-шартта юзга айтилди, жўяли таклифлар киритилди. Кўпгина, раҳбарлар баъзи масалаларни тез кунда тугатишга қатъий ваъда бердилар. Энди гап ана шу тадбирларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, бутун кучни нуқсонларни тугатишга сафарбар этишда қолган. Район ижроия комитетининг ўзи бошлаган хайрли ишни ниҳоясига етказишига ишонгимиз келади.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
«Оҳангарон» район газетаси муҳаррири ўринбосари.

Ғаллаорол район матлубот жамиятлари уюшмаси қошидаги агрокомбинатда ишлаб чиқарилаётган колбасаларни харидорлар севиб сотиб олмоқдалар. Бу ерда ойига 20 тонна маҳсулот тайёрланмоқда.

СУРАТДА: колбаса цехи бошлиғи Исроил Исмоилов, ишчилар Баҳор Абдуалиева ва Матлуба Турматова.

Ў. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

---

80 ХИЛ НЕЪМАТ

Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмасининг консерва заводи коллективи эл дастурхони маъмурчилиги йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда. Корхона ишчи-хизматчилари ўн иккинчи беш йиллиқнинг тўртинчи йилида 28 миллион 705 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу муваффақиятнинг қўлга киритилишида ўзаро соцпластик мусобақа яхши йўлга қўйилгани, яъни бўлинмалар ишга туширилгани муҳим аҳамият касб этди.

— Корхонамизда ҳозирги пайтда саксон хилдан зиёд ноз-неъмат тайёрланмоқда, — дейди завод директори Ҳамидулла Раҳматуллаев. — Олма, узум, олхўри, беҳи, лимон, ўрик, анор, помидор шарбатлари, мева консервалари меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Маҳсулотлар турини янада кўпайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шуниси қувончлики, заводимиз коллективи Москвада ўтказилган кўргазмада ўзининг турли хил маҳсулотлари билан қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади.

Завод коллективи ўн иккинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида янада фидокорона меҳнат қилиб, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, Социалистик мусобақада Ф. Даминова, С. Каримова, Ш. Куликова, А. Ўрозметова, Ф. Раупова, Н. Жўрабекова сингари ишчи-хизматчилар олдинги safda бориб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаяптилар.

Ҳ. ТОШЕВ.

ЯНГИЛИКЛАР

ҚЎШИМЧА ИЎЛ

Иккинчи йўл фойдаланишга топширилиши туфайли Меҳнат-Жиззах участкасида поездлар қатнови жуда кўпайди.

Ўрта Осиё темир йўлининг ана шу қисмида Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қаршига поездлар қатнайди. Лекин темир йўл изининг бир томонлама бўлганлиги йўловчилар тушган ҳамда юк ортилган поездларнинг кўпроқ қатнашига имкон бермасди. Шу сабабли составлар кўпинча бошқа йўл орқали айланиб ўтишар, қимматли вақтни бой беришар, ортиқча ёнилғи сарфлашарди.

Юк ортилган поездлар янги из орқали белгиланган ерга 12 соат олдин, пассажир поездлари эса икки ярим соат олдин етиб келмоқда. Иккинчи йўлни «Самарқандтрансстрой» трести билан темир йўл бошқармаси йўл қурилиш-монтаж трести бинокорлари ётқиздилар. Энди бу участка электрлаштирилади.

САМОЛЁТДАН ТУРИБ ТАКСИ ЧАҚИРИЛАДИ

Қарши таксомотор парки меҳнаткашлари ва авиаторлар амалий ҳамкорликнинг янги шаклига ўтишга қарор беришди. Автомобилчиларнинг таклифи билан ижобий силжишлар рўй бера бошлади: машиналарнинг бир қисми ижарага берилди, моддий ва ремонт базаси мустаҳкамланмоқда, давлат плани мунтазам бажарилмоқда. Меҳнат коллективи ўзи ишлаб топган фойдага чет эл ускунасини сотиб олмоқчи. Ана шу ускуна таркибига машиналарни механизация ёрдамида ювадиган қурилма, маиший хоналар, маъмурий бино киради.

ИЗЛАНИШ ШАРОФАТИ

Ғўзапоя, каноп пояси, бошқа техника экинларининг чиқиндиларидан хом ашё сифатида фойдаланилмоқда. Янгийўл мебель фабрикаси мутахассислари ана шу хом ашёдан енгил ва мустаҳкам плиталар тайёрлашди. У мебель ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Аввал ёқиб юборилаётган хом ашёдан фойдаланиш натижасида корхона ҳар йили ўнлаб кубометр камёб ёғочни тежаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Янгийўл мебель фабрикасида тубдан реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Цехларга хориждан сотиб олинган ускуналар ўрнатилмоқда, қўл меҳнатига барҳам берилмоқда. Лак ва бўёқларни керакли ерга етказиб бериш муаммоси ҳам ҳал этилган; бу нарсалар иш жойларига қувурлар орқали келади.

Буларнинг ҳаммаси коллективга янги технологияни жорий этишга, маҳсулот турларини янгилашга имкон беради.

ХУШБИЧИМ ВА АРЗОН

Қўқон пойабзал фабрикаси меҳнаткашлари халқимизнинг: «Ез ғамини қишда еғин» нақлига биноан иш юритишмоқда. Корхонанинг барча 24 та поток линияси ҳозир баҳор-ёз маҳсулотларини тайёрлашга ўтказилди.

Пойабзал турлари анча кенгайтирилди. Эркаклар ва болаларнинг сандаллари, аёлларнинг ёзда кийдиган енгил оёқ кийимлари, ўсмирлар пойабзали тайёрланмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи бодалар пойабзалига тўғри келади.

Барча буюмлар хушбичим ва чиройли, ҳозирги давр йўналишига жавоб беради. Буни савдо ташкилотлари корхона билан шатнома тузадиган ярмаркалар очиқ-ойдин кўрсатди. Қўқон пойабзалига пардоз беришда табиий ва синтетик материаллардан кенг фойдаланилмоқда, нарҳи ҳам арзон.

Қўқон пойабзалчилари биринчи майгача савдога икки миллион жуфт пойабзал жўнатишга қарор қилдилар.

МЕҲНАТКАШ УЙИЛИ, ЕРЛИ БЎЛСИН

Аҳоли жуда зич жойлашган Фарғона водийсида Ўзбекистон Компартияси ва республика ҳукуматининг томорқа учун ерлар ажратиб бериш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаяпти? ЎзТАГ мухбири Бўз район ижроия комитетининг раиси Ф. Ў. Ўрмонов билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Фаттоҳ Ўрмонович, районда ер кам, одамлар эса кўп. Сиз қандай қилиб бунинг иложини топасиз?

— Бизда район Советининг комиссияси ташкил этилган. Лекин қанча ер ажратиш тўғрисидаги асосий масалани колхозчиларнинг ўзлари ҳал қилсин, дедик. Масалан, Карл Маркс, Энгельс, Тельман номли колхозларда, Партия XX съезди номли совхозда бўлган умумий йиғилишларда 20 сотихдан ер ажратишга қарор қилишди. Навоий, Калинин номли, «Ленинчи» колхозларида 16 сотихдан ер берадиган бўлинди. Район маркази аҳолисига якка тартибда уй қуриш учун 8 сотихдан норма белгиланди.

— Районда ер олиш учун қанча одам навбатда турибди?

— Ўтган йилнинг 25 декабригача ер олишни хоҳлаганлар 1482 кишини ташкил этди. Бу кишиларнинг илтимоси қондирилди. Уларга қарийб 250 гектар ер берилди. Бундан ташқари тор ҳовлиларда, оғир шароитда яшаётган район аҳолисига қўшимча равишда 108,5 гектар ер ажратдик.

Район хўжаликлари яроқсиз ерларни эмас, балки катта йўл яқинидаги, аҳоли яшайдиган жойлар билан ёнма-ён бўлган ерлардан яхши майдонларни ажратиб бераётганликларини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Бу ерларни сўғориш учун ҳамма шароит бор. Шу сабабли аҳоли мамнун бўлмоқда, уларнинг бизга ҳеч қандай эътирози йўқ.

Аммо маҳаллий Советлар депутатларининг юмушлари бу билан тугамайди. Январь ойининг дастлабки ўн кунида шу вақтгача ота-оналари паноҳида яшаётган келинкуёвлар ва кам болали оилаларнинг аъзоларидан яна 472 киши бизга мурожаат қилишди. Комиссия аъзолари жойларнинг ўзида бу аризаларни ўрганиб чиқишмоқда ва уларнинг илтимосларини тезда қондиришмоқда.

— Одамлар энди томорқа ери олиш учун йиллар давомида навбат кутмайдиган бўлишди, бу жуда яхши. Лекин бошқа масалалар ҳам пайдо бўлмоқда: қурилиш материалларини қаердан олиш мумкин? Янги томорқаларда етиштирилган сабзавотларни қаерда сотиш керак?

— Буни ҳам унутганимиз йўқ. Район хўжаликлари тавсиямизга биноан ўтган йилнинг уч ойидагина қишлоқда уй қураётганларга 135 кубометр ёғоч-тахта, 400 минг донадан кўпроқ ғишт, 2 минг донага яқин шифер, 18 тонна цемент ва бошқа кўплаб бинокорлик материаллари етказиб беришди.

Ҳозир районимизда учта ғишт заводи, иккита бетон узели ишлаб турибди. Бетон узели тайёр қоришмалар ишлаб чиқаради ва уни аҳолига сотади. Бундан ташқари, унча катта бўлмаган тўртта асфальт заводи, учта оҳак цехи, иккита қурилиш материаллари омбор-дўкони қишлоқ аҳлига хизмат қилмоқда. Ҳозир ғишт пишираётган бешта цех ва иккита бетон қорувчи узел қурилмоқда.

Лекин биз бу ҳали етарли эмаслигини тушунамиз. Шу сабабли 1990 йилдаёқ Россия Федерацияси меҳнат коллективлари билан амалий алоқаларни йўлга қўйишни, эртанги сабзавот ва полиз экинларимизни камёб бинокорлик материалларига алмаштиришни режалаштирмоқдамиз.

Район хўжаликлари ер олган қишлоқ аҳлига ярим миллион туп мева кўчатлари етказиб беришди. Баҳор келиши билан уларга эртаги сабзавот кўчатлари ва полиз экинлари уруғларини арзон нархларда сотамиз.

Маҳаллий матлубот жамиятлари кооператорлари аҳолидан келажакда ортиқча етиштириладиган сабзавот, мева, узум ва полиз экинларини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузишга киришдилар. Районда, бундан ташқари ҳозир мавжуд бўлган иккита консерва цехи ёнига бу йил қўшимча равишда яна учта қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехларни қуриш режалаштирилган.

К. НИЗОМОВ.
(ЎзТАГ мухбири).
Андижон области.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Задарё районида Қорабоевлар оиласини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Бунинг боиси бор: хонадон соҳиби Набижон аканинг касби — агроном, 14 йилдан бери қўриқ «Наманган» совхозида директор. Фарзандлари Маҳмуджон, Абдуллажон, Баҳодир ҳам ота изидан бориб, агрономлик мутахассислигини эгаллашган. Ота ва болалар йиғилишса, суҳбат мавзуи доимо қишлоқ хўжалик янгиликлари ва муаммолари ҳақида боради.

СУРАТДА: Улуғ Ватан уруши ветерани Набижон Қорабоев фарзандлари даврасида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. У бош муассасани, Фарғона илмий ишлаб чиқариш филиали, Тошкент зонаси лабораторияси ва унинг тажриба-синов базаси, Боғдод районидаги «Москва» совхозини, Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози ва ҳозир қурилаётган, қимматн 42 миллион сўм фитотронни ўз ичига олади. Бирлашмага ВАСХНИЛ академиги А. ИМОМАЛИЕВ бош директор қилиб сайланди.

Жамоатчи мухбиримиз А. КОЛБИНА янги бирлашманинг вазифалари тўғрисида у билан суҳбатда бўлди.

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ТАМАЛ ТОШИ

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИТТИФОҚИ

— «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, — деди А. Имомалиев, — қишлоқ хўжалигини, аввало, пахтачиликни жадал ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатувчи замонавий биология фанининг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишга даъват этилган.

Республика Фанлар академиясининг 1948 йилда ташкил этилган қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институти кейинги йилларда Ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институти, Ўсимликлар тажриба-синов биологияси институти деб қайта ташкил этилди ва республикада биология фанининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди. «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу институт негизида вужудга келди.

Бу ерда жуда кўп ғўза навлари ва турлари тўпланган, янги-янги навлар яратилмоқда. Тезпишар ва вилтга чидамли «Тошкент» навларининг яратилиши коллективнинг катта муваффақияти бўлди. У Мексикада ёввойи ҳолда ўсувчи, вилтга гоят чидамли ғўза нави билан маданий навни чатиштириб олинган. Мексика ғўзаси кўпгина ноёб навлар яратиш имконини берди, бу навлар ҳозир кенг майдонларда экилмоқда. Афсуски, йиллар ўтиши билан бу навлар ҳам тўрли хавфли касалликларга чалинмоқда, тола сифати пасайиб кетмоқда. Шу муносабат билан илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олдида вилтга чидамли янги ғўза навларини яратиш учун изланиш ва экспедициялар ташкил қилиш вазифалари турибди.

Ҳозирги вақтда истиқболли мавжуд ғўза навлари турли вилоятларда синовдан ўтказилаяпти. Кўп ва сифатли тола берувчи «Юлдуз», АН-510, АН-410 ва бошқа навлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга ҳозирги мавжуд навлар тўқимачилик саноати талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Шунинг учун умумий генетика ва молекуляр биологияни ривожлантириб, янги навлар яратишда ишончли усулларни ишлаб чиқиш зарур. Бу навлар фақат серҳосил, толаси пишиқ бўлиб қолмасдан, балки турли зараркунанда ва касалликларга чидамли бўлиши шарт. Коллективнинг молекуляр генетика ва уруғчилик соҳасида олиб бораётган ишлари қўйилган вазифаларни тезроқ ҳал этишга кенг йўл очиб беради. Бирлашма олимлари ғўзанинг ўсув қонуниятларини билишга жиддий ҳисса қўшдилар, ҳозир ўсимликда ҳосил вужудга келишига қулай таъсир кўрсатувчи кўпгина омиллар хусусида анча ёрқин тасаввурларга эгамиз.

Ўсимлик генетикасини ўрганиш борасида ҳали катта ишлар қилиниши керак. Фан бу вазифаларни ҳал эта олади. Ўсимликнинг нозик ҳаёт тарзини ўрганиш учун чет элларда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва жиҳозлар зарур. Бундай чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун ҳозир бизда валюта маблағлари етарли эмас.

Қишлоқ хўжалигида химиянинг ўрни жуда катта. Республикамизда минерал ўғитлар, турли заҳарли химикатлар; дефолиантлар ва ўсимликни жадал ўстирувчи препаратлар кўп қўлланилади. Бу соҳада талай асарлар ёзилган. «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари шу химиявий моддаларнинг ўсимликка физиологик — биохимик таъсирининг кўп жиҳатларини аниқладилар. Аммо бу тадқиқотлар химиявий моддаларни амалда қўлланиш миқёсларидан анча орқада қолаяпти. Химиявий моддаларнинг ўсимлик танасидан босқичма-босқич ўтишини ҳам биз аниқ тасаввур қила олмаймиз.

Ҳозирги кунда ҳосил тариқасида тупроқдан олинаётган моддалар таркиби унга берилаётганилан анча ортиқ. Амалда биз тупроқдан сарф бўлаётган азот, фосфор ва калий миқдорининг бир қисмининга тупроққа қайтариб бераяпмиз. Тупроққа амалда олтингугурт, рух, марганец, кобальт, никель, мис, бор моддалари солинмайди. Ҳолбуки шу моддаларсиз тупроқнинг унумдорлиги тўла-тўкис бўлмайди.

Тупроқдаги органик ўғитлар мувозанати суст ўрганилган. Дарвоқе, гумус таркиби жуда тез камайиб бораётир. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги пасайиб бораётганлиги бундан далолат бериб турибди. Шу муносабат билан бирлашма коллективи олдида ўсимликларнинг илдиздан озиқланишини ташқи муҳитнинг бошқа омиллари билан боғлаб чуқур ўрганиш вазифаси намоён бўлади.

Бирлашма олимлари турли дефолиантлар ва гербицидларнинг ўсимлик танасига кириши, кўчиб юриши ва бошқа моддага айланиши қонуниятларини бирмунча чуқур тадқиқ қилдилар. Баргни тўктирадиган дефолиантлар, бегона ўтларга қирон келтирадиган гербицидлар тўғрисида анча маълумотлар тўпланган. Лекин бу соҳада ҳам амалга оширилган тадқиқотлар замонавий талабларга тўлиқ жавоб бера олмайди.

Суғориладиган ерларда тупроқ унумдорлигини оширишга биринчи даражада аҳамият бериб, бирлашма коллективи академик М. Муҳаммаджонов раҳбарлигида чуқур ҳайдаш йўли билан тупроқ устки қатламининг унумдорлик қувватини ошириш, тупроқни ағдармай юмшатиш, органик ва минерал ўғитларни қатламларо солиш борасида кенг миқёсли тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Бу тадқиқот ишларининг натижалари амалда кенг қўлланилаяпти. Шу билан бирга тупроқда гумус таркибини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини мунтазам оширишни таъминлайдиган ишончли усуллар жорий этилиши керак.

Пахта толаси ва чигит биологияси соҳасида ҳам муайян ютуқлар бор. Ҳосилнинг вужудга келиш қонуниятлари белгиланган. Аммо целлюлоза биосинтези бўйича тадқиқотлар йўлга қўйилмаган. Чигит физиологияси ва биохимияси бўйича амалда мунтазам тадқиқотлар олиб борилмаётир. Фотосинтез бўйича тадқиқотлар эндигина бошланмоқда.

Юқорида қисқача айтиб ўтилган тадқиқот йўналишлари ўсимликлар экспериментал биологияси соҳасида асосий ўрин эгаллаши, бошқача айтганда, янги бирлашманинг бош вазифаси бўлиб қолиши лозим.

Озиқ-овқат программасини ҳал қилиш муаммолари аввалгидек ҳали ҳам кескин бўлиб турибди. Деҳқончиликда илмий асосланган система жорий этиш, техника экинлари, озиқ-овқат экинлари ва ем-хашак экинларининг салмоғини мувозанатлаштириш йўли билан бу муаммоларни ҳал этиш мумкин. Республика директив органлари бу соҳада катта тадбирларни амалга ошираяптилар. Пахта толаси ишлаб чиқариш 1,5 миллион тоннага туширилди. Бунинг натижасида беда ва бошқа ем-хашак экинлари майдони анча кенгайтирилади, аҳолини чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан ташқари қишлоқ хўжалигига қўплаб органик ўғитлар етказиб берилади, тупроқ унумдорлигини ошириш учун қулай имкониятлар вужудга келади.

Янги бирлашма фақат пахта етиштириш назарий ва амалий масалаларини эмас, балки бошқа экинлар етиштириш масалаларини ҳам ҳал этиб бериши керак. Иссиқхоналарда лимон, мандарин, апельсин, банан ва бошқа шу каби субтропик мевалар етиштириш амалда кенгайиб бормоқда, бу соҳада назарий тадқиқот ишлари йўлга қўйилмаган.

Шу айтилганлардан кўриниб турибдики, бирлашма олдида фавқулодда муҳим вазифалар турибди. Халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан шу вазифаларнинг тўғри ҳал этилишига боғлиқ. Ўрта Осиё ва Иттифоқдаги бошқа илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим масала. Биология соҳасида мураккаб назарий тадқиқотлар математика, кибернетика, физика, механика, , химия фанлари ва замонавий ҳисоблаш техникаси қўлланилган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Бирлашмада ҳали бундай имкониятлар йўқ.

Юқори малакали кадрлар, айниқса фан докторлари етишмаслиги ўткир бўлиб турибди. Ходимларнинг тайёргарлик даражаси ва билимлари шу қуннинг талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Ёш истеъдодли олимларнинг Иттифоқ илмий муассасаларида ва чет элларда узоқ муддат иш ўрганиб келишига кенг йўл очиш керак.

МУХБИР: ўртоқ Имомалиев, сизнинг бу сўзларингиздан янги бирлашмада ҳамма ишлар анча яхши бораяпти, деган таассурот юзага келади. Назарий ишламалар анча, муҳим тавсиялар ҳам кўп. Шулар амалда жорий этилса қишлоқ хўжалигида сезиларли ўзгаришлар содир бўлади, деб хулоса қилиш мукинми?

А. ИМОМАЛИЕВ. Биз анча йиллардан буён ўз-ўзимизни сира аямай савалаб келамиз. Шубҳасиз, фан доимо ривожланиши, мураккаб масалаларни ҳал этиб бериши керак. Ўз ютуқларидан фахрланиш, муваффақиятлар билан чекланиш ақлдан эмас. Фан имкониятлари битмас-туганмасдир, олимнинг вазифаси ҳар қандай шароитларда ҳам муҳим муаммоларни илғаб олиши, уни кун тартибига қўйиб, инсоният равнақи учун самарали ҳал этиб бериши керак. Шу билан бирга, фан тавсияларига менсимай қарашга сира йўл қўйиб бўлмайди. Фан ҳозир тупроқ унумдорлигини қандай сақлаб қолиш тўғрисида ишончли маълумотларга эга. Аммо бу маълумотлар ҳамиша ҳам эътиборга олинмаётир, тавсиялар амалда қўлланилмаётир. Бунинг оқибатида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетмоқда, ҳосил камайиб, маҳсулот сифатига путур етмоқда. Мамлакатнинг турли пахтакор ўлкалари учун қатъий алмашлаб экиш схеманси ишлаб чиқилган, аммо бу тавсияларга менсимай қараляпти. Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилмаяпти.

Ҳозир бу соҳада ишлар бирмунча юришиб кетди, айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг сабот-матонат кўрсатиши туфайли қатор тадбирлар амалга оширила бошланди. Пахта майдонлари ҳисобига озуқа экинлари майдони кенгайтирилмоқда.

Экинзорларни капитал текислаш, куз-қиш ва кўкламда табиий нам тўплаш, шудгорлаш, экиш олдидан органик ва минерал ўғит солиш, кўчатлар тўлиқ бўлиши, уруғлик сифати, сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш қандай самаралар бериши аллақачон исбот этилган. Аммо шу тавсиларга ҳам кўпинча амал қилинмайди ёки пала-партиш бажарилади, бунинг оқибатида ишлаб чиқариш зарар кўради.

Мен янги йириқ бирлашманинг раҳбари сифатида фанимизнинг ҳозирги аҳволидан қониқа олмайман. Олимларимиз молекуляр биология ва генетикани ривожлантириш негизида янги, гоят тезпишар, серҳосил, толаси пишиқ, турли касалликларга ва зараркунандаларга, аввало, вилтга чидамли ғўза навларини яратишларини умид қиламан. Ғўзанинг шона ташлаш ва ҳосил тугунчаларини тўкиб юборишини иложи борича камайтиришга эришилса, айни муддао бўлур эди. Қуёш нурларининг ғўза тупларига мақсадга мувофиқ таралишини таъминлаш, тупроқ озуқа моддалари, сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш, зарарли химикатлардан хавфсизларини қўлланиш, атроф муҳитига зарар етказмаслик муҳим омиллардир.

Тупроқ унумдорлигини ошириш бош муаммо бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, шу муаммони ҳал қилмасдан халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Мен шуни таъкидлаб айтаманки, сувдан оқилона фойдаланмай туриб, суғоришни механизациялаштирмай ва автоматлаштирмай туриб, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни жадаллаштиришга эришиб бўлмайди.

Бизнинг олдимизда кўндаланг турган вазифаларнинг бир қисми ана шулардан иборат. «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларининг бутун фаолияти, ақл-идроки ана шу вазифаларни бажаришга қаратилади. Шубҳасиз, бу вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун анча моддий-техника ресурслари талаб этилади. Олимлар ва мутахассислар чинакам ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишлари керак. Ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати фанни ривожлантиришга жиддий эътибор билан қарамоқдалар, биз катта ёрдам олишимизга ишонамиз.

МУХБИР: республика ҳозирги раҳбариятининг фан ривожига катта аҳамият бериш аётганини адолатли равишда таъкидлаб ўтдингиз. Пахтачилик соҳасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қишлоқ хўжалигига доир қарорларига қандай қарайсиз?

А. ИМОМАЛИЕВ. Олим учун фан манфаатларини кўзлашдан олий мақсад бўлмаса керак. Аввалги даврларда фанда эришилган ютуқлар етарли қадрланмас, қишлоқ хўжалигини юритишда хато ва нуқсонлар талайгина эди. Буйруқбозлик, маъмуриятчилик авж олган, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам планни бажаришга зўр бериларди. Пахта яккаҳоким эди. Томорқа ерлар қисқариб кетди, оилаларда чорва мол боқиш камайди, моддий манфаатдорлиққа путур етказилди. Қишлоқ аҳолиси туғилган жойларини ташлаб, тириқчилик пайида турли шаҳарларга иш излаб кета бошладилар. Қишлоқ оилаларида маҳсулот етиштириш кескин камайди, ҳозир иқтисодий аҳволимизнинг оғирлашишига, шубҳасиз, ана шулар ҳам сабаб бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ оилаларига бериладиган томорқаларни 0,25 гектаргача кенгайтириш тўғрисидаги қарори катта мамнуният билан қутиб олинди.

МУХБИР: олдинги йилларда илмий тадқиқот муассасалари ихтиёрида тажриба-синов хўжаликлари йўқ эди. Ҳозир сиз бош бўлган бирлашмада учта йирик хўжалик бор. Фан билан амалиёт бирлигига, ҳамкорлигига сиз қандай қарайсиз?

А. ИМОМАЛИЕВ. Бирлашма раҳбарларига, албатта, осон бўлмайди, фақат фан билан эмас, балки хўжалик фаолияти билан ҳам шуғулланишга тўғри келади. Шуни айтиш керакки, фанни ишлаб чиқаришдан ажратиб бўлмайди. Бирлашма ўз хўжаликларида янги тавсияларни синаб кўради. Илгари биз тавсияларни синаш учун хўжаликларга ялиниб юрардик. Фан қудратига ишонувчи хўжалик раҳбарлари бунга рози бўлишарди. Бошқа бировлари эса олимларни далага яқин йўлатишмас, план бажарилмай қолади, деб хавфсирашарди. Энди биз ўз хўжаликларимизда кенг синов-тажриба ишлари олиб бориш имкониятига эгамиз. Табиийки, ҳамма олимлар ҳам хўжаликларда меҳнат қилишга қодир эмаслар. Олимларнинг кўпчилиги чуқур тадқиқот ишлари билан банд бўлишади. Мен турли илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари тузиш тарафдориман. Бирлашмага илғор, намунали хўжаликлар берилиши керак.

МУХБИР: «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасини ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган йирик илмий ишлаб чиқариш марказига айлантириш учун моддий-техника базаси етарлими?

А. ИМОМАЛИЕВ. Ҳозирги кунда етарли эмас. Ходимларнинг малакаси паст, лабораториялар тўлиқ жиҳозланмаган. Бу масала директив органларда махсус кўриб чиқилади. Чет элларга борадиган ёш олимлар хорижий тилни билишлари, шунингдек ўзбек ва рус тилларини пухта эгаллаган бўлишлари лозим. Афсуски, ўз она тилини заиф биладиган ёш олимлар ҳам йўқ эмас. Ўзбек тилида илмий асарлар яратиш учун аввало терминлар пухта ишлаб чиқилиши керак. Бирлашма ихтиёридаги хўжаликларда ишларни намунали йўлга қўйиб, маблағларнинг бир қисмини бирлашманинг моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфлаш мумкин бўлади.

МУХБИР: халқимиз сизни биолог-олим, пахтачилик билимдони деб танийди. Сизнинг фикрингизча, 1990 йил пахтачилик учун қандай келади?

А. ИМОМАЛИЕВ. Менимча, йил қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачилик учун қулай келади. Асосий экин майдонлари кузда органик ва минерал ўғитлар солиб шудгорланди. Емгир ва қор етарли бўлаяпти. Нам тўплаш учун ҳали вақт бор. Қўкламда майдонларни экишга тайёрлаш ва нам сақлаш ишлари пухта ўтказилиши керак. Чигитни тупроқнинг намига - ундириб олиш айни муддаоли ишдир. Пахта толаси тайёрлаш 1,5 миллион тонна миқдорида белгиланганлигини ҳисобга олиб озиқ-овқат ва ем-хашак экинлари майдонларига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

МУХБИР: биология ва қишлоқ хўжалик фанлари самарали ва жадал ривож топишлари учун нималар зарур?

А. ИМОМАЛИЕВ. Илмий тафаккур равнақ топмаса тараққиёт тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Олимларнинг бутун фикри-зикри назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишга сафарбар этилиши даркор. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг роли оширилиши, қишлоқ хўжалик фани, аниқроқ унинг чуқур тадқиқотлар олиб бориладиган қисми давлат бюджетидан маблағ билан таъмин этилиши керак. Фаннинг бунга ҳаққи бор. Республика Фанлар академиясининг бош муассасаси фақат илмий тавсиялар жорий этилиши ҳисобига йил сайин 200 миллион сўмга яқин даромад олаётганлиги яқинда олимлар билан бўлган учрашувда айтиб ўтилди. Демак, фан тавсиялари катта самара бераётган экан, хўжалик шартномалари тузиб иш олиб боришга ҳожат бормикин? Республика қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети буюртмачи сифатида илмий муассасаларни марказлаштирилган тарзда маблағ билан таъминлаши зарур.

Чет эллар билан алоқаларимизни кенг йўлга қўйиш, ноёб жиҳозлар сотиб олиш учун валютага эга бўлиш, компьютерларни кенг қўлланиш, турли мамлакатлардан биология ва пахтачиликка доир илмий журналлар олиш, бошқа шу каби ишлар амалга оширилиши лозим.

Суҳбат охирида, республика олимлари ёшларни улуғ Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, қардошлик, дўстлик байроғини юқори кўтариш йўлида қўлларидан келган барча ишларни қиладилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Хориждан хабарлар

ҚИТЪАЛАР БЎЙЛАБ

ДЕҲЛИ. Пайшанба куни эрта тонгдан Ҳиндистон пойтахти чорраҳаларида одатдан ташқари сокинлик ҳукмрон. Эрталабки маҳаллий газеталарни сотиб юрадиган болаларнинг баралла овозлари эшитилмайди. Журналистлар, барча нашрларнинг бошқа ходимлари иш ташлаганликларини эълон қилдилар — улар иш ҳақи, нарх-наво ошганлиги муносабати билан тегишли қўшимча тўловлар кўпайтирилишини, оммавий ахборот органлари ходимларининг ҳуқуқларига оғишмай риоя этилишини талаб қилмоқдалар.

Бу галги можаро кутилмаган ҳол бўлмади. Деҳлида салкам бир ойдан буён етакчи газеталардан бири — «Индиан экспресс» газетаси чиқмаяпти. Газета журналистларининг талабларини дастлабки пайтдан бошлабоқ, оммавий ахборот воситалари ходимларининг барча касаба союз бирлашмалари қўллаб-қувватлади. Ҳукумат бу талабни қондиришга ваъда берган эди. Бироқ уни «амалий руҳда» кўриб чиқа олмади.

* * *

ВАШИНГТОН. «Эрон — Контрас» махфий операциясининг қатнашчиси, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг истеъфодаги генерали Ричард Сикорд чоршанба куни ана шу махфий иш тергов қилинган чоғда Америка конгрессида сохта кўрсатмалар бергانлиги учун шартли равишда икки йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Сикорд ҳукм чиқарилгандан кейин журналистлар ҳузурида гапириб, АҚШнинг собиқ президенти Рональд Рейганни унинг ташқи сиёсатини тўғри амалга оширган ўз қўл остидаги кишилардан ажралиб қолганликда айблади.

* * *

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина президентининг қарорига биноан Умберто Ромеро мамлакатнинг янги миллий мудофаа министри этиб тайинланди. У қуруқликдаги кучлар бош штабининг бошлиғи Исидро Касерес билан келишмовчиликлар туфайли истеъфога чиққан Итало Лудеранинг ўрнини эгаллайди. Исидро Касерес ўзининг бевосита бошлиғини хабардор қилмай, яқинда олий ҳарбий қўмондонликнинг бошқа вакиллари билан биргаликда знёфат уюштириб, унга республика президентини, шунингдек ички ишлар министри ва бошқа расмий кишиларни таклиф этган эди. Мудофаа министри бундан фақат газеталар орқали хабардор бўлгач, устав талабларини бузганлиги учун генерал Касересга интизомий жазо чораси берди.

* * *

БОГОТА. Қўшма Штатлар наркотик моддалар ишлаб чиқарувчиларга қарши курашда Колумбия маъмурларига ёрдам бериб, айни пайтда мамлакатга Колумбиядан юборилаётган гулларга божхона солиғини ошириб, уларнинг куч-ғайратларига путур етказмоқда, Колумбия президенти Верхилио Барко чоршанба куни ана шу ҳақда гапирди. 1989 йилда Колумбия АҚШга 180 миллион долларлик гул экспорт қилган эди. Бу гуллар 35 мингта гул магазинларида ва Американинг 10 мингта катта дўконларида сотилган эди. Илгари АҚШ савдо министрлиги Колумбиядан келтириладиган гулларга божхона тўловини оширишга қарор қилган эди ва ўзининг бу қарорини Колумбиядан келтирилган гуллар бозор нархидан пастроқ сотилаётганлиги билан асослаган эди.

МУҲИМ ҚАРОР

Лиссабон (ТАСС). Португалия Компартияси Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида мазкур партиянинг XIX фавқулодда съездини шу йил май ойининг биринчи ярмида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. ПКП Бош секретари Алваро Куньял пленум якунларига бағишланган матбуот конференциясида сўзга чиқиб: «СССР ва бошқа социалистик мамлакатларда содир бўлаётган жараёнлар, уларнинг аҳамияти ва халқаро вазиятга таъсири, жаҳон меҳнаткашлари ва халқларининг курашига, коммунистик ва ишчилар ҳаракатига таъсири» съезд кун тартибидаги асосий мавзу бўлади, деди.

Пленум қатнашчилари мамлакатдаги ички сиёсий вазиятни ҳам муҳокама қилдилар. ПКПнинг фикрича, бу вазият Кавака Силва ҳукуматининг тобора яккаланиб қолаётгани ва унга ижтимоий ва сиёсий мададнинг сусайиб бораётгани, ҳукмрон социал-демократик партиядаги бўлиниш чуқурлашаётгани билан характерланади. Ана шундай шароитда, деб таъкидлади ПКП бош секретари, меҳнаткашлар ва кенг оппозициянинг ҳукуматга ҳамда у ўтказаётган сиёсатга қарши курашининг кучайиб бораётганлиги ўнглар сиёсатига муқобил демократик ҳаракатнинг пайдо бўлиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда.

ОММАВИЙ НАМОЙИШ

Афина, 26 январь. ТАСС мухбири Владимир Малишев хабар беради: Грециядa ўтказилаётган 24 соатлик умумий иш ташлаш қатнашчилари мамлакат пойтахтида оммавий намойиш ўтказдилар. Намойишда энг катта касаба союз бирлашмаси — Греция умуммеҳнат конфедерациясининг ташаббуси билан минглаб ишчилар ва хизматчилар иштирок этдилар.

Улар парламент, миллий иқтисодиёт министрлиги ҳамда Греция саноатчилари федерацияси бинолари томон юриб бордилар ва ўз талаблари ёзилган арзномани топширдилар. Ушбу ҳужжатда касаба союзлар ҳукуматни меҳнаткашлар турмуш даражасини ҳимоя қилиш учун зарур тадбирлар кўрмаётганлиқда айбладилар ва эркин тарзда меҳнат битимлари тузиш тўғрисида қонун қабул қилинишини, адолатли солиқ жорий этилишини талаб қилдилар. Иш ташловчилар нарх-наво ошганлиги муносабати билан иш ҳақига қўшимча тўлов тўланиши, пенсионерлар ва аҳолининг кам таъминланган бошқа табақаларини эса қимматчиликдан ҳимоя қилиш зарур, деб ҳисобламоқдалар.

Ҳар ҳафта шанба сонида

МУЙЧИНАК

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН таҳрири остида

ТАРТИБСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

ЎРТА ОСИЕ ТЕМИРЙЎЛ БОШҚАРМАСИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қадрли Деҳқон бува! Анчадан бери Сизга бир масала хусусида арзу ҳол қилиш ниятида юрардим-у ҳе, садқаи сар, дея қўл силтардим. Бу галгиси суякка қадалди. Кўп бор сафарга чиққан бўлсам-да, бунақасига дуч келмагандим. Яхшиси, бир бошдан сўзлаб бера қолай. Хулосани ўзингиз чиқаринг.

Тезюрар Тошкент — Андижон поезди жўнашга шай. Йўловчиларнинг аксарияти пойтахтда таҳсил олаётган толиби илмлар. 10-вагон кузатувчиси, кекса темирйўл ходими, меҳнат ветерани Ҳаким ака Мамажонов мақсадимни билгач, секин «уф» тортди:

— Э, ука, ёзганингиз билан бирон нарса ўзгарармиди? Ҳалиям аҳвол ўша-ўша: эски ҳаммом, эски тос. Кўпинча ўриндиқларга иккитадан билет сотишади. Тафтишчилар чиқиб, бизнинг бошимизни қотиришади. Ундан кўра билет сотувчилар ишини тартибга солишса бўлмайдими?

Ҳақли эътироз. Темирйўл кассаларида ҳамон палапартишлик ҳукм сурмоқда. Бу эса йўловчиларнинг норозиликларига сабаб бўлаяпти. Дзюдо кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика мусобақаси қатнашчилари Э. Каримов, Д. Алимов, Х. Акбаров, С. Власов, Д. Бакиров 11 январда тунни тик оёқда тунаб ўтказишга мажбур бўлишди. Бунинг учун ким айбдор? Яна ўша «англашилмовчилик». 13-вагондаги 49 ҳамда 50-ўринлар учун 4 кишига билет сотилгани маълум бўлди. 22-вагонда бир эмас, учта жой қўш «билетли» экан. Хўш, чорасиз қолган йўловчи додини кимга айтсин? Емаган сомса учун пул тўлаш, деганлари шу бўлса керак-да.

— Андижон, Марғилон, Қўқон станцияларида жойлашган кассаларда пала-партишлик, эътиборсизлик ҳоллари кўп учрайди, — дейди 15-вагон кузатувчиси Дадаш Зондбоев. — Қайтиш учун сотиб олинган билетлар ҳақидаги маълумот тегишли вокзалларга дарҳол хабар берилиши керак. Тошкент темирйўли ходимлари буни била туриб, қоидага амал қилмаяптилар. «Ванд» жойларга билет сотилиши кўплаб нохушликларни келтириб чиқараётир. Бу бизнинг ишимизни ҳам қийинлаштираяпти.

Суҳбатга Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг II курс талабаси, қўқонлик Ҳалима Тешабоева қўшилди:

— Ҳар сафар йўлга чиқсам, бир можарога дуч келаман. Мана, бугун ҳам кассалардан билет тополмагач, «қўлдан» олдим. Студентлик ҳужжатимнинг номерига мос тушмагани учун жарима тўладим.

Йўл азоби — гўр азоби. Тошкент темирйўлидаги оворагарчилик ҳамда сарсонгарчиликлар ана шу нақлни ёдга туширади. Иш ёки ўқиш важидан пойтахтга ташриф буюрган кишилар билет илинжида кунни кеч қилишга, соатлаб навбат кутишга мажбур. Улар орасида қариялар, ёш болали аёллар ҳам анчагина. Кассалардан эса аксарият рад жавобини эшитишга тўғри келади. Ана шундан кейин бирдан бир чора—билетни «қўлдан» олиш. Топилганига шукр қилиб, пулнинг бети қурсин, дея чўнтак ковлашга тушасан. Бир нарса кишини ажаблантиради: кассаларда чипта топилмайди-ю шу ерда изғиб юрган «ҳожатбарор»ларда доим муҳайё. «Хизмат ҳақи»дан қочмасангиз, истаган манзилингизга тўғрилаб беришади. Буни қандай тушунмоқ керак? Хўш, улар билетни қаердан олишади?

Тошкент — Андижон йўналиши бўйича қатнайдиган поездлар ҳамиша тирбанд. Вагонларда йўловчилар учун зарур қулайлик, шарт-шароит яратилмаган. Кимдир чойшабларнинг намлигидан нолиса, бошқаси купе хоналари, йўлакларнинг ифлослиги, нафасни қайтарувчи кўмир ҳидидан шикоят қилади. Баъзи бир вагон кузатувчиларининг қўполлиги, ўзбошимчалигини айтмай қўя қолайлик.

Ҳурматли Деҳқон бува! Танаси бошқа дард билмас экан. Ўрта Осиё темирйўл бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар бу тартибсизликлардан хабардормикинлар? Илтимос, уларга ўз номингиздан яна бир бор эслатиб қўйсангиз. Зора, тармоқдаги нуқсонларга барҳам бериш, йўловчилар мушкулини осон қилиш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрилса!

М. АБДУРАҲМОНОВ.

ЎГАЙ КЎЗ БИЛАН ҚАРАМАНГ

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, мана-ман деб турган нуқсонларни хас-пўшлаш ҳам қийин экан. Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозида шундай бўлди. Юқоридан келган нуфузли комиссия мавжуд аҳволни ипидан-игнасигача ўрганиб, қатъий хулоса чиқарди: сўз янгичаю турмуш эскича. Аҳоли ичимли сув, электр қувватига зор. Алишер, Увак, Оқтош, Оқча қишлоқларининг ҳолига маймун йиғлайди. Маданий тадбирлар ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Мана, жонли мисол: ўнлаб оила истиқомат қиладиган Алишер қишлоғида ақалли бирор кутубхона, клуб ёки чойхона йўқ. Одамлар кун бўйи қилинган меҳнатдан сўнг қаерда дам олиш, кўнгил ёзишни билмай гаранг бўлмоқдалар.

Бировдан кам жойимиз йўқ, дея кўкракка муштлаб юрган раҳбарларга бу ҳақда гапириш қоронғи уйга тош отишдек бефойда. Ўшанда ҳам улар мавжуд нуқсонларни тез кунда тузатишга ваъда бериб, сувдан қуруқ чиқишганди. Натижа нима бўлди?

— Ҳамон эски ҳаммом, эски тос, — дейди қишлоқ оқсоқолларидан бири, пенсионер Менглибой Йўлдошев. — Биз ваъдаларга ишонмай қўйганмиз. Мана, охирги текширувдан кейин ҳам анча вақт ўтди. Ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Сув танқислиги етмаганидек, яқин бир ойдан бери электр чироқлари ҳам ёнмайди. Мойчироқ ёқайлик, десак, лампа шиша, керосин йўқ.

Бундай даъволарни бошқалардан ҳам эшитдик. «Ангрен» совхози директори М. Қодиралиев, қолаверса, Облиқ қишлоқ Совети раиси М. Раймбобоев ҳаммасидан хабардордирлар. Аммо жон койитишмаяпти: аҳоли қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, бепарволикни бемалол давом эттиришмоқда.

Халқ депутатлари Оҳангарон район Совети ижроия комитетидаги ўртоқлар бу ҳолга қандай қарашаркин?

М. ҚАЮМОВ.

Умумтаълим мактабларининг 1—5-синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш маориф соҳасида партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган катта ғамхўрликнинг амалдаги исботи бўлди. Бу тадбирнинг айниқса қишлоқ мактабларида амалга оширилиши ўғил-қизларимиз қатори ота-оналарни ҳам беҳад қувонтирди. Зеро, чой ичишга ҳам улгурмай тонг-саҳарлаб йўлга тушган норасиданинг иссиқ хоналарда ўтириб текин нонушта қилишига нима етсин?!

Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги А. С. Пушкин номли 1-ўрта мактаб намунали ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Республика ҳукуматининг фарзандлар тўғрисидаги ғамхўрлигини бу ерда мамнуният билан кутиб олишди. Ҳозир мактабда 400 ўқувчи текин нонушта билан таъминланаётир. Бир кунда уларга 80 сўмлик озиқ-овқат берилади. Бундан ташқари 300 ўғил ва қиз ҳам шу ернинг ўзида тушлик қилиш имкониятига эга.

Сиз кўриб турган суратларда нонушта пайти тасвирланган. 1. Бошланғич синф ўқувчиси Зуҳра Эрклиевага тотли таом ёқиб қолди. 2. Ўқитувчи Т. В. Орлова ўзи раҳбарлик қилаётган синф октябрятларининг овқатланишини кузатмоқда. 3. Навбатчи қизлар нонуштадан сўнг идиш-товоқларни йиғиштиришаяпти.

Б. АЛИМОВ олган суратлар.

Ҳажв дафтаридан

ҲАСРАТ

Алҳол, чиқиб бир кун таксига,
Йўл-йўлакай манзилни айтдим.

Етгач уч сўм узатдим, сўнгра
Берса керак, деб кутдим қайтим.

— Хўш, нимага турибсиз, иним?
Шофёр менга боқди ҳайрон, лол.

Гап очиғи — уялдим унга:
«Қайтим?» — дея бергали савол.

— Бизин ҳеч ким тушунмас сира,
Осон эмас. ҳайдамоқ такси.

Диспетчернинг кўнглин овламай
Юриш қийин. Бўлар иш акси.

Слесарга узатиш керак,
Инженерга, бошлиққа яна...

Баллон учун керак югуриш.
Хўш, қиласиз кимгаям таъна?

Хуллас калом, муаммомиз кўп,
Кўтара ҳарж, боқма қай томон.

Шундай бўлгач, дўстим дардимни
Сизга айтмай, кимга айтаман?

Тинглаб таксичининг сўзларин
Раҳмим келиб дедим: ранжиманг!

Чўздим бир сўм: Олиб қўйинг, манг!
Шундан бери тушиб кетгум шарт
Такси минсам, кутмай чақасин.

Ахир, дўстлар, ўйламоқ керак
Шофёрнинг ҳам бола-чақасин.

Ўткир САИДОВ.

ЯРМИ ҲАЗИЛ, ЯРМИ ЧИН

«Кооператив йўли билан ўз ҳисобимдан «Ишқингда ўлдим, парим!» номли шеърлар китобимни чоп этгандим. Ҳеч ким сотиб олмаяпти. Мен шўрлик меҳнатимга, пулимга куйиб қолаверамانمي!»

(Бир думбул «шоир»нинг арзи).

* * *

«Бозорга келтирилган қовунтарвузларга: «Текширилди, истеъмол қилиш мумкин», деб ёзиб қўйилади. Илтимос, бундан буён ошқовоқ, картошка, сабзи, пиёз, шолғом, карам ва бошқа сабзавотларда ҳам ана шундай эслатма бўлса».

(Селитрадан оғзи «куйган» харидор талаби).

* * *

«Ло фото...» оятини ўқисам ҳам, қоровул белимдаги гўштни топиб олди. Шундан кейин дуоларга ишонмай қўйдим.

(Гўшт комбинатида ишлайдиган ташмачининг гапи).



ЎҚИТУВЧИ: —Тез-тез нафас олсанглар, синфхона исиб қоларди...

М. ЖЎРАЕВ чизган расм.

«Мўйчинак»ка жавоб

ТАНҚИД ФОЙДА БЕРДИ

Тўғри танқид бамисоли дори: аччиқ, аммо шифобахш. У аксарият эзгу, хайрли ишларга туртки бўлади. Қўлимиздаги жавоб мактуби шундан далолат. Унга халқ депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитети раисининг муовини Р. Рўзибоева имзо чеккан:

— «Қишлоқ ҳақиқати»нинг ўтган йил 25 ноябрь сонида босилган «Эсиз, эсиз!» сарлавҳали фотоайбнома кишини ҳушёрликка даъват этади. Унда Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозида мавжуд сардобаларни асраб-авайлашга етарли эътибор берилмаётганлиги, натижада улар нураб, емирилиб бораётганлиги ўринли танқид қилинган. Бу ноёб ёдгорликларни таъмирлаш масаласи мутахассислар иштирокида кўриб чиқилди. Зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан тегишли илмий муассаса билан шартнома тузилди. Бу иш ниҳоясига етгач, сардобаларни таъмирлашга киришилади.

СПОРТ ахбороти

ФУТБОЛ

Чет эл клубларида ўйнаётган мамлакатимиз спортчилари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда Шимолий Американи профессионал командаларида бир неча хоккейчиларимиз, Европанинг қатор клубларида кучли футболчиларимиз муваффақиятли ўйнаб, совет спорти шарафини оламга ёяяптилар. Бу йил улар сони яна иккитага кўпайди. Ўтган йили биринчи лига мусобақаларида қатнашиб, кучлилар сафига йўлланма олган МАСК коллективида ўйнаб, мутахассислар эътиборини жалб этган қобилиятли ёшлар Валерий Массалитин билан Сергей Крутов бунинг далилидир. Улар Голландиянинг «Витресс» клуби билан шартнома туздилар. Келишувга мувофиқ иккала футболчи мазкур мамлакат биринчилигида мавсум охиригача ўйнашади. Сўнгра узоқ муддатли битим тузилади.

* * *

Ўтган йили ўз зонасида ғолиб бўлиб, биринчи лигага йўлланма олиш учун курашган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси мавсумга тайёргарликни бошлаб юборди. Коллективга бир вақтлар унинг шарафини ҳимоя қилган қобилиятли футболчи Юрий Вазгенович Саркисян бош тренер этиб тайинланган.

Ишқибозларни командадаги ўзгаришлар қизиқтириши шубҳасиз. Дарвозабон А. Мишченко, ҳимоячилар И. Омельченко, А. Дитрих, А. Тихонов, ҳужумчи И. Усов коллективни турли сабаблар билан тарк этишди. Совет Армияси сафида хизматни тамомлаган А. Мамадиёров, М. Исмоилов, Андижон спорт мактабининг талабаси В. Тетянин, жиззахлик М. Отажонов, Фарғона олий ўқув юртларида таълим олаётган С. Шамраев, тўртқўллик К. Мадаминов, риштонлик Ф. Эргашев команда сафига келиб қўшилдилар.

«Нефтяник» футболчилари бу йил ҳам юксак маррани кўзлаяптилар. Улар биринчи лигага чиқиш учун курашни ўз олдиларига қўйишган.

БОКС

Луцкда бокс бўйича СССР биринчилиги давом этаяпти. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган чарм қўлқоп усталари ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлиш учун курашаяптилар. Чунончи, улар орасида республикамиз вакиллари ҳам бор.

Ҳозирча мамлакат биринчилигида саралаш учрашувлари ўтаяпти. Уларда муваффақиятли қатнашган боксчилар ярим финал баҳсларига йўлланма оладилар. Шундан кейин ярим финал, ниҳоят олтин медаллар учун ҳал қилувчи беллашувлар бошланади.

Республикамиз вакили Игорь Бунининг номи ҳали кўпчиликка таниш эмас. Аммо у илк учрашувларда-ёқ қобилиятли боксчи эканини исботлади. Игорь мамлакат терма командаси аъзоси москвалик Андрей Киселёв билан «жанг»да ўзини кўрсатди. У рақибини кучли зарбалари билан шошириб қўйди. Учрашув ҳаками уни ғолиб деб топди.

ХОККЕЙ

Бу йил мамлакат биринчилиги ҳар қачонгидан қизғин ўтмоқда. Сабаби шуки, олтин медаллар учун одатга кўра кўп бор чемпион МАСК эмас, балки бошқа командалар курашмоқдалар.

Ҳозирча 33 учрашувдан сўнг ўз ҳисобига 55 очко ёзган Воскресенскнинг «Химик» командаси олий лигаларнинг кучли ўн коллективи ўртасида якка пешқадам бўлиб турибди. Устига-устак у бошқа коллективлардан бир учрашувни кам ўйнаган.

Иккинчи ўринда бораётган Москва динамочилари карвонбошидан уч очко орқада қолмоқдалар. Учинчи ўринда мустаҳкам жойлашиб олган МАСК жамғармасида 50 очко бор.

ШАХМАТ

Симферополда 1972 йил ва ундан кейин туғилган ўсмирлар ўртасида СССР биринчилиги бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли ёқларидан келган ёш шахматчилар ўзаро баҳслашдилар.

Республикамиз спорти шарафини тошкентлик А. Паранян, Я. Терлицкий ва А. Каликштейн ҳимоя қилишди. Аммо улар муваффақиятли қатнаша олмадилар. Чунки швейцарча усулда ўтказилган бу мусобақада ҳамюртларимизга энг кучли шахматчилар билан ўйнашга тўғри келди. Фақат Паранянгина 5,5 очко тўплаб, 50 фоиз натижа кўрсата олди, холос.

Муҳаррир
А. Ғ. МУХТОРОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

28 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Сиз севган қаҳрамонлар». Кинокўрсатув.
11.00 «Ҳозирги замон». Мусиқий ахборот.
11.30 «Конанир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.
12.55 «Амалий давра суҳбати». Республика қурилиш комплекси ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш.
13.40 «Халқ ижодиёти».

Тижорат видеоканали

14.40 «Илғор тажриба мактаби». «Узун» пахта тозалаш заводи коллективининг иш тажрибасидан.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Аждаҳо ғори». Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ғўзаллик ҳадя этиб». Телефильм.
20.00 «Ўзбекистон композиторлари». Шоҳида Шоҳимардонова.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ўзбекистон композиторлари». Шоҳида Шоҳимардонова (давоми).
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Якшанба оқшомида». Мусиқий программа.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Офарин!» Кувноқ спорт ўйинлари. Қўрғонтепа шаҳар мактаб ўқувчиларининг командалари учрашадилар.
11.00 «Оқ тундаги Ґран па». Фильм-концерт.
12.05 «Ануш момо». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

* * *

17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 «Ануш момо». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).
19.00 «Розу ниёзи мардум». Кўрсатув-баҳс.
19.35 «Телетомошабин ҳамроҳи».
20.00 «Ҳафта». Информацион программа.
20.30 «Жаҳоннамо». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Жаҳоннамо» бадиий-публицистик кўрсатувининг давоми.

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Ватан ҳизматида».
11.30 Тонги дам олиш программаси.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 «Мусиқий киоск».
13.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар.
15.55 «Здоровье».
16.40 «Қишлоқ янгиликлари» панорамаси.
17.55 «Марафон-15». Болалар ахборот-публицистик программаси.
19.10 СССР Давлат телерадиоси рус қўшиқлари академик хори баянчилар квинтети чалади.

Якшанба кинозали

19.30 «Икки туя учиб борарди». Мультфильм; «Мен қайтиб боргач». Телевизион ҳужжатли фильм; «Эркин қулаш». Бадиий фильм («Мосфильм»).
21.30 «7 кун».
22.30 «Абадият ҳақида ўйлар».
22.45 Чайковскийнинг барча симфониялари. 2-симфония.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 Симфоник ва эстрада куйлари.
9.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Тюмень телевидениесининг кўрсатувлари.
9.50 «Валентин ва Валентина». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
11.20 «Она-замин ташвишида». Ҳужжатли фильмлар.
12.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
13.00 «Экранда 01 хизмати».
13.25 Ф. Пулёнк. «Обад». Концерт.
13.50 Украина ССР Давлат телерадиоси. «Қайта қуриш даврида районнинг оддий иш кунлари». Киевдан кўрсатилади.
14.20 Арманистон ССР Давлат телерадиоси симфоник оркестрининг концерти.
15.00 Эфирда — «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 «Планета». Халқаро программа.
18.30 «Доктор, эртак айтиб беринг». Мультфильм. 1, 2 ва 3-сериялар.
19.10 «Россиянинг чўнтаги». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
19.30 СССР халқ артисти А. Днишев ҳамда СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Тойчоқда учиб-учиб борамиз».
20.45 «Атлетизм-89». «Советский спорт» газетасининг соврини учун халқаро турнир.
21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан).
22.30 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Балконга чиқадиган бу хавфли эшик». Бадиий фильм (Рига киностудияси).
23.55 «Биз яшаётган дунё». Режиссёр В. Виноградов фильмлари. «Менинг замондошим» (Ленинград).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 03067. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1123. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12